HABAR

# Хабар

خبر

*Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри*

Сотувда эркин нархда

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1995 йил, 17 март № 11 (136) •

## РЕФЕРЕНДУМГА ТАЙЁРГАРЛИК

**26 мартда ўтказиладиган Референдумга алоқа корхоналарининг жамоа аъзолари ҳам тайёргарлик кўришмоқда. Алоқачилар Президентимиз Ислом Каримов маърузасини, Олий Мажлис сессияси материалларини йиғилишларда муҳокама қилишмоқда.**

Ушбу Референдумни кўнгилдагидек ўтказиш алоқачиларнинг меҳнатига ҳам боғлиқ эканлигини улар яхши тушунадилар. "Ўзбектелеком" концерни раиси Т. М. Бекметовнинг маълум қилишича, айни кунда 14 та округ комиссиясидаги телефон, радионуқта ва бошқа алоқа воситалари ишлаб турибди. Референдумга овоз берувчилар учун 7210 та участка алоқа воситалари билан таъминланган ва 20 мартгача яна 6547 та участка телефонлаштирилади. Ўша куни республика бўйича 446 та участка радио алоқаси билан таъминланади. Округ комиссиялари ва ҳокимликлар билан келишилган ҳолда 211 участкага автотранспорт ажратилиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, Референдумни сиёсий компанияга айлантириш учун халқаро телефон станцияларида ва телеграфларда етук мутахассислар хизмат кўрсатишади. Бунинг учун эҳтиёт қисмлар ва бошқа зарур ашёлар тахт қилиб қўйилаяпти. Ходимлар иш жойларида суҳбатдан ўтказиляпти.

"Ўзбекистон почтаси" концернида ҳам Референдум муносабати билан иш кўпайиб бормоқда. Бу хусусда концерн раиси Р. Э. Зикиров қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

— Ўша кунлари почта ходимларининг ишлари кўпайгандан-кўпаяди. Маълумки, Республикамиз Президентининг фармони билан 1 мартдан нафақа ва иш ҳақи миқдори оширилди. Шунинг учун бу нафақалар нафақахўрларга ўз вақтида етказиб берилиши лозим. Бу ишни ҳам ходимларимиз ўз вақтида уддасидан чиқишга ҳаракат қилишяпти. Бундан ташқари, биз обуначиларга газета ва журналлар тарқатамиз. Референдум ўтказилиши муносабати билан ишимиз кўпайиши назарда тутилмоқда. Чунки Референдумга боғлиқ барча ҳужжатларни округ комиссияларига ва участкаларига кечикмай етказиб беришимиз керак.



"09" хизматининг ходими Алёна Рокшина ЭҲМ техникасида иш олиб бормоқда.

Суратқаш Т. Лутфуллаев

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

*• Воқеалар • Янгиликлар • Хабарлар*

**• Республикамиз Президентининг Фармонига асосан қишлоқ хўжалик соҳаси ходимларидан бир гуруҳи республика фахрий унвонлари ва фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.**

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Миср Араб Республикаси ташқи ишлар вазири Амр Муса ва Бобурийлар авлодлари номидан ҳиндистонлик Зиёвуддин Тусий Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан самимий қутлов йўлладилар.

**• Жиззах, Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятлари фаолларининг йиғилишларида Президентимизнинг Олий Мажлис биринчи сессиясида қилган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.**

• Республикамизда ўтган Қозогистон кунлари вақтида Андижон ва Толдиқўрғон вилояти раҳбарлари ўзаро иқтисодий ҳамкорлик ҳақида аҳдлашиб олгандилар. Яқинда андижонлик деҳқонлар қўшни Қозогистонда бўлди. Қозогистон ҳукумати Толдиқўрғон вилояти ҳудудидан андижонликлар учун ўн минг гектар лалми ер ажратишга қарор қилди.

**• Тожикистон Республикасида мамлакат Олий Мажлисига ҳамда Маҳаллий мажлисларга сайловлар бўлиб ўтди. Кўппартиялилик асосида ўтган сайловда депутатлар орасида республикада фаолият кўрсатаётган 4 партия вакиллари бор. Сайловда АҚШ, Россия, Ўзбекистон, Қозогистон, Эрон, Афғонистон ва бошқа давлатлардан 27 нафар кузатувчи қатнашди.**

• Қирғизистон халқ маданиятининг фахри ва бебаҳо асари "Манас" яратилганлигининг минг йиллигига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Республика алоқачилари бу қутлуғ тўйга атаб бир кундан бегараз меҳнат қилиш ташаббусини бошладилар.

**• Исроил вазирлари навбатдаги мажлисда бир овоздан Исроил—Араб тинчлик музокараларида анча силжишлар бўлди, деган қарорга келишди. Уларнинг таъкидлашича, ушбу ҳудудда тинчлик музокараларини жадаллаштириш учун Тель-Авив янги ташаббуслар билан чиқиши керак. 1995 йил эса Исроил ва Сурия ўртасида тинчликка эришиш учун ҳал қилувчи йил бўлади.**

• Жанубий Корея олимлари тери ракини операция қилмасдан бир соат давомида даволаш усулини кашф этдилар. Радио изотоп билан ишлов берилган махсус боғлайдиган материални терига ёпиштириш ёрдамида даволайдиган бу усул яқин орада илмий анжуманларда намойиш этилади.

**• Афғонистон Президенти Бурҳониддин Раббоний БМТнинг тинчлик режаси шартномаларини бажаришга тайёр эканлигини билдирди. У белгиланган муддат — 21 мартда Коалицион ҳукуматга ҳокимиятни топширажагини айтди. Афғонистон давлати бошлиғининг расмий вакили Қобулда ана шу ҳақда баёнот берди.ы**

**• Жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида Миср ва бошқа араб давлатларида ўтказилган сўров натижасига кўра, Миср Президенти Ҳусний Муборак 1994 йилда энг кўзга кўринган сиёсий арбоб деб топилди.**

## *О Т А Ж О Н   М А Н Т Ў Р*

**Отажон мактабда ўқиб юрган кезлариданоқ радиога жуда қизиқар эди. Ҳамма тенгдошлари симёғочдаги чумчуқларни чўзма камалак билан уриб юрганида у ингичка симларнинг текис тортилганига, шамолда қандайдир овоз чиқаришларига ишқибоз эди.**

Ундаги бу ҳавас кундан-кунга ортиб бораверди. Мактабни тугатгандан сўнг колхозда ишлади. Қўлдан келганча меҳнат қилди. Орадан кўп ўтмай колхоз радиоузелига ишга ўтди. Хонадонлардаги радиоларнинг мунтазам ишлаши учун Отажон тинмай изланиб, касб сирларини пухта ўргана бошлади. Қисқа вақт ичида барча ишларнинг сир-асрорларидан бохабар бўлиб, ўзи мустақил ишлайдиган бўлди.

1980 йили эди. Район алоқа узели бошлиғи Отажон акани район марказидаги радиоузелда ишлашга таклиф қилди. Ўша пайтлар марказдаги радиоузелда бу соҳани тушунадиган мутахассислар бармоқ билан санарли эди. Шунинг учун Отажон узел раҳбарларининг таклифини ерда қолдирмади. У табиатан меҳнаткаш, режали бўлганлиги учун олдидаги тўсиқ-муаммоларнинг мушкуллигини сезмади. Отажон ака ишни район марказидаги кўчаларда тортилган радиолинияларни текширишдан бошлади. Бир қатор айланиб чиққач, нима қилиш кераклигини чамалаб олди. Айрим жойлар капитал таъмирланиши кераклигини узел раҳбарига айтди. Отажоннинг бу таклифлари инобатга олиниб, унга таъмирловчилар бригадаси бириктириб берилди. Тез кунларда барча хонадон, идора ва мактабларда яна радионинг жарангли товушлари эшитила бошлади. Ҳаммаси ана шундан сўнг бошланди. Йўлда ким кўринса, уни бармоқ билан кўрсатиб, зўр мантўрлигини эътироф этадиган бўлди. Чунки Отажоннинг ажойиб одати-фазилати бор.

У қайси кўчага кирмасин, албатта ўша жойда яшовчи хонадонлардан радио ишлаяптими-йўқми сўраб олар эди.

Агар нособ радио симларини кўрса, дарров сўмкасидан керакли асбобларини олиб, ишга киришар эди. У бирон ишни қилаётганда шошилмас, пухта ва астойдил меҳнат қилар эди. Унинг саъй-ҳаракати туфайли қисқа вақт ичида марказдаги 8300 та радионуқта 10580 тага кўпайди. Бу ишларни амалга оширишда Отажон аканинг шогирдлари — Толибжон Ўтанов, Баҳриддин Тошмирзаев, Тоштанбой Бегматовларнинг ҳам хизмати катта бўлди. Улар устозларидан касб сирларини ўрганиб, элнинг дуосини олиб келишмоқда.

Балиқчи туман алоқа ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Шавкатбек Абдуллаев Отажон аканинг меҳнат фаолияти ҳақида шундай дейди:

— Мен Отажон акани саксонинчи йиллардан бери биламан, жуда меҳнатсевар, содда одам. Бировнинг ишини йўқ демай қилади. Ёшлар у кишининг қимматли маслаҳатларига жуда муҳтож эди. Эринмасдан уларнинг ҳар бирига касб сирларини ўргатди. Улар ҳозирги кунда мустақил иш олиб боришмоқда, ўзлари ҳам шогирдлар тайёрлашмоқда. Отажон ака жамоат ишларида фаол қатнашиб турради. Унинг меҳнатлари юксак баҳоланиб, Алоқа вазирлиги, Республика Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ва мукофотлари билан тақдирланди. Райондаги "Меҳнат фахрийси" ҳурмат тахтасига сурати тақдим этилди. Умр ўтаверар экан. Кечагина Балиқчи қишлоғида болалик кунларининг завқини сурган отахон бугунги кунга келиб ўша онларни ўз набираларининг юзларидаги севинчларда кўрмоқда. Бизнингча, инсонга бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Ҳа, Отажон ака умрини зое кетказгани йўқ. Яқинда Балиқчи тумани алоқа узели жамоаси заҳматкаш ҳамкасблари Отажон Эргашевни самимий тантана, зўр ҳурмат-эҳтиром билан меҳнат нафақасига кузатишди.

# БАХТ КУЛИБ БОҚҚАН АЁЛ

Одамларга ҳамиша орзу-умидлар ҳамроҳ бўлиб келган. Холис ният, эзгу мақсад томон интилиш инсонларни ўзаро аҳил-тотув яшашга, огир дамларда бир-бирини қўллаб-қувватлашга даъват этади. Бирор касбга қизиқиш ҳам инсонни доимо олдинга, мақсад сари дадил қадам ташлашга ундайди. Ушбу мақоламиз қаҳрамони — Рашида опани ҳам газета-журналлар, мактублар яқин ва йироқ манзиллардан адашмасдан, бехато ўз эгасига етиб келиши анчадан буён қизиқтириб келарди. Мана шу қизиқиш уни алоқа бўлимига етаклаб келди. Бу ердаги иш жараёни унинг алоқа соҳасига бўлган иштиёқини янада орттирди. Рашида Дадабоева 1985 йили Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳридаги матбуот тарқатиш корхонасида ишлай бошлаганида, оддий бир мактуб ёки газета-журналлар ўз эгасига етгунча алоқачидан диққат-эътибор, аниқлик ва заҳматли меҳнат талаб этишини илк бор мана шу ерда билди. Нурчилар шаҳри бўлмиш Ширинда у етти йил меҳнат қилди, Мана шу давр мобайнида алоқачи учун зарур бўлган барча касб сирларини ўрганди. Почта ва электр алоқаси алоҳида иккита мустақил тармоққа бўлингач, 1992 йили Рашида опага почта бўлимини ишониб топширишди.

Орадан икки йил ўтар-ўтмас у Гулистон шаҳрига ишга таклиф этилди. Вилоят Матбуот тарқатиш уюшмаси ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, унга 1994 йилнинг январь ойидан Рашида Дадабоева раҳбарлик қила бошлади.

Сирдарё вилояти бўйича 52 та рўзномалар дўкони мавжуд. Шундан 34 таси халқ хизматида, 8 таси эса Гулистон шаҳрининг ўзида жойлашган. Дўконларда сотиладиган маҳсулотлар шартнома асосида келтирилади. Кўпроқ Тошкент шаҳридаги "Орзу" чарм-галантерея ишлаб-чиқариш бирлашмаси билан тузилган шартномалар яхши самара бермоқда.

— Матбуот тарқатиш уюшмамиз очиқ усулдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, ишимиздаги ҳар бир муаммони ўзимиз мустақил ҳал қила бошладик, — дейди суҳбатдошим. — Аввало, рўзнома дўконларини матбуот нашрлари билан ўз вақтида таъминлашга эришяпмиз. Сирдарё вилояти пойтахтга яқин жойлашган. Шу боис ҳам газета-журналларни эртароқ олиб, мижозларга етказишга ҳаракат қиляпмиз. Бизни асосан транспорт масаласи қийнайди. Ҳисобимизга тушаётган даромаднинг ярми транспорт харажатларини қоплашга сарфланмоқда. Шуни эътиборга олиб, маблағимиз кўпайган заҳоти автоуловлар сотиб олмоқчимиз.

Вилоятдаги битта рўзнома дўкони учун ойига 250 сўм ижара ҳақи тўланади. Бошқа жойларда бўлгани каби, бу ерда ҳам дўконлар тез-тез ўз жойидан кўчирилиб турарди. Яқинда Гулистон шаҳрида жойлашган дўкон Меъморлар уюшмаси томонидан ўз жойидан кўчирилди. Натижада, ҳар куни битта тайинли жойдан вақтли нашрларни харид қилишга ўрганган мижозлар сарсон-саргардон бўлишди. Бунга ўхшаш воқеалар содир бўлавергач, Рашида Дадабоева вилоят ҳокимиятига хат билан мурожаат қилди. Эндиликда ҳеч ким ҳокимнинг рухсатисиз дўконларни кўчиролмайди. Гулистон, Янгиер, Ховос шаҳарларидаги рўзнома дўконлари сотувчилари билан мулоқотда бўлганимда, улар вилоят "Матбуот тарқатиш уюшмаси" ассоциацияси олиб бораётган ишдан мамнун эканликларини сездим. Ҳа, ҳиссадорлик жамияти ўзини ўнглаб олиш йўлида ҳаракат қилмоқда. Бу борада ҳам ўз ечимини топмаган муаммолар мавжуд.

— Ҳозирги вақтда ҳеч кимдан иқтисодий ёрдам кутиб бўлмайди,— дейди Рашида опа.— Шу боис ўзимиз янги имкониятлар излаяпмиз. Қўл қовуштириб ўтирган билан кутилган натижага эришиб бўлмайди. Матбуот тарқатиш уюшмамизнинг алоҳида биноси йўқ. Ҳозир қурилиш техникуми ётоқхонаси биносидан фойдаланяпмиз. Шунинг учун келгусида бажарадиган ишимизнинг биринчиси идора биносини қуриш бўлади.

Шунингдек, ассоциация ўзининг тикув цехини очиш ниятида. Агар ушбу цех ишга тушса, маблағ кўпайишига яна бир имкон яратилган бўлади. Гулистонда яқин кунлар ичида яна учта рўзнома дўконлари очилади. Яқинлашиб келаётган "Наврўз" умумхалқ байрамига атаб вилоятдаги барча рўзнома дўконларини қайта таъмирлаш ишлари мўлжалланган.

Суҳбатимиз давомида Рашида опа меҳнат фидойилари, сирдарёлик саҳифаловчи Тамара Оксанова ва шогирди, ёрдамчиси Нуриддин Ҳасаниддинов номларини қайта-қайта фахр билан тилга олди. Сирдарё давлат почта корхонаси бошлиғи Мукамбар Қиличевани устоз деб ҳисоблайди.

Оилада у икки ўғилни тарбиялаб, вояга етказган меҳрибон она. Тўнғич фарзанди Тошкент Давлат техника дорилфунунида таҳсил олмоқда. Кенжаси эса лицейда ўқийди.

— Ҳаётда инсон ўз ўрнини топиб, севимли касбда ишласа, оилада фарзандлар тарбияси билан машғул бўлса, шунинг ўзи ҳам катта бахт,— дейди Рашида опа Дадабоева.

**Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ,**
**"Хабар"нинг махсус мухбири**

• Алоқа матбуот кўзгусида

## *МОНОПОЛИСТЛАРНИНГ КУНИ БИТДИ*

"Барака-холдинг" компаниясига қарашли "Баракапресс" фирмаси (директори К. Қаришонов) яқин ва олис хорижий мамлакатларнинг газета, журналлари, бошқа матбуот нашрларини тарқатишнинг бутунлай янгича усулини режалаштирмоқда. Россия ва Қозоғистондаги тегишли ташкилотлар билан 189 номдаги, жумладан "Московские новости", "Аргументы и факты", "Комсомольская правда", "Вечерний Алматы", "Каравон" ва бошқа кўплаб нашрларни етказиб бериш ҳақида шартномалар тузиб қўйилди. Россия орқали асосий хорижий газеталар, жумладан "Бизнес Ньюс", "Таймс" ва бошқа нашрлар келтирилади. Буларни сотиш учун фирма яқин орада фақат пойтахтнинг ўзидагина юзта тўла жиҳозланган дўконлар очмоқчи.

Маҳаллий таҳририятлар билан тузиладиган шартномалар ҳам ўзаро ҳисоб-китоблар, транспорт ва оммавий ахборот воситаларининг тарғиботини яхшилашга хизмат қилади. Ҳар куни пойтахтдаги босмахоналардан "Баракапресс" фирмаси янги маҳсулотларни олиб туради. Дўконларнинг бир кунда 11-12 соатлаб ишлаши мижозларга анча қулайлик яратади. Айни чоғда бу ерда газеталар учун рекламалар қабул қилинади, хусусийлаштириш купонларининг савдоси йўлга қўйилади ва ҳ. з. о.

Қирғизистондаги газета ва журналларнинг эски монополистлар зуғумидан қутулиш, мустақил равишда муқобил тармоқ яратиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳар жиҳатдан таҳсинга сазовордир.

### НАВРЎЗГА БАҒИШЛАБ

Наврўз халқимизнинг улуғ айёмларидан ҳисобланади. Шу боис азалдан бу кун Шарқда катта тантана қилиб келинган. Ҳар йили борлиқнинг янгиланиши ва яшариш байрамига юртдошларимиз катта ҳозирлик кўришади. Жумладан, мамлакатимиз нашриётларида Наврўзга бағишланган, уни халқимиз ўтмиш ва кечмишида тутган ўрнини кўрсатадиган қизиқарли китоблар, ранг-баранг йилномалар чиқарилади.

Яқинда "Меҳнат" нашриётида чоп этилган "Наврўз — баҳор айёми" деб номланган рангли икки йиллик тақвим улуғ айёмга муносиб совға бўлди. Уни таниқли элшунос олим Билол Аминов тайёрлаган. Наврўзни тараннум этувчи ушбу тақвим 50 минг нусхада чоп этилган. Шу кунларда уни пойтахт китоб савдоси дўконларидан харид қилиш мумкин.

### ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИ

Февраль ойининг ўрталаридан бошлаб Исроилдаги "Безек" телефон компанияси ўз мижозларига янги хизмат турини таклиф этди. Энди истаган киши ўз телефон аппаратига қўшимча электрон мослама сотиб олиши мумкин. Унинг ёрдамида трубкани олмаёқ ким телефон қилаётгани аён бўлади. Телефон жиринглаганда электрон таблода қўнғироқ қилувчининг номери кўринади. Трубкани кўтариш-кўтармасликни ҳар бир мижоз ўзи ҳал қилади. Янги хизмат турининг нархи ойига 12 шекелей, яъни 4 доллар туради.

**Тошкентдаги "Ўздунробита" қўшма корхонаси марказий станцияси Шимолий Американинг "Нортен-Телеком" фирмасида ишлаб чиқарилган уяли телефон алоқаси ускуналари билан жиҳозланган. Станциянинг муҳандислари янги техникани кўздан кечиришмоқда.**

**Суратда: муҳандис Бахтиёр Мўминов.**

**Суратқаш: Т. ЛУТФУЛЛАЕВ.**



# МЎЪЖАЗ ТЕЛЕФОН

"Ўздунробита" ўзбек-америка қўшма корхонаси икки йил илгари уяли телефон ўрнатишни йўлга қўйганди. Улар телефонлаштиришдаги бу янгиликда анчагина муваффақиятга ҳам эришдилар. Мутахассислар телефон соҳасидаги бу янгиликни илиқ қарши олдилар. Шундан бўлса керак, биринчи станция қисқа муддатда ишга туширилди.

Республикамиздаги кўпгина фирмалар бу янги уяли телефон алоқаси учун ҳар хил жиҳозлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Тошкентда ушбу қўшма корхонани ташкил этиш масаласи кўтарилганда, уни жаҳон талаблари даражасида қуришга келишилганди. Америкаликлар бу ишнинг ташкилотчиси сифатида янги жиҳозлар келтириб беришни зиммаларига олишди. Бунинг учун Шимолий Американинг машҳур "Нортен Телеком" фирмаси танлаб олинди. Бу фирма станцияни юқори даражада жиҳозлаб беришига ишонч билдирилди. Ўтган йилнинг IV чорагида асбоб-ускуналар келтирилиб, станциянинг асосий қисмида иш бошланди.

Станциядаги барча жиҳозлар ишлаш учун жуда қулай ва осон бўлиб, киши кўзини қувонтиради. Албатта бундай замонавий типдаги уяли алоқа хизматидан мижозлар хурсанд бўлиши тайин. Айниқса, "Мотоform" фирмасининг ранг-баранг янги телефон ускуналари мижозларни мамнун қилмоқда. Ушбу телефон жуда ихчам бўлиб, чўнтакка ҳам жойлаб кетаверса бўлади. Мижозлар ундан фойдаланишлари учун уни истаган телефон тармоғига улаб, шаҳарлараро ва халқаро телефонда ўзлари хоҳлаган мамлакат билан боғланишлари мумкин. Уяли телефон орқали хорижий давлатлар билан сўзлашиш анчагина осон кечади. "Ўздунробита" мижозларнинг бир неча фазовий каналлар орқали сўзлашишлари учун имконият яратиб бермоқда.

Бундан ташқари, корхона ўз мижозларига янги телефон ускуналарини икки-уч баробар арзонга сотишни ҳам йўлга қўйган. Алоқанинг бу турига қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

**А. КУДИНОВ**

• МАЪНАВИЯТ

# ЯНА ЛАФЗ ҲАҚИДА

Мақолага бундай сарлавҳа қўйишимнинг боиси — бу мавзуда илгари ҳам ёзган эдим. Олдинги мақола қаҳрамони қўли гул уста ва ҳаваскор шоир эди. Буниси эса ростакамига, яъни Носир Фозилов ибораси билан айтганда, ҳақиқий "шоир". (Кўплаб шеърий китоблари чоп этилган). Менинг яқин дўстим. Оилавий борди-келдимиз бор. Ниҳоятда багри кенг, қувноқ-қизиқчи, ажойиб инсон. Даврада бирга ўтирсангиз ёки сафарда ҳамроҳ бўлсангиз, сира зериктирмайди. Хуллас, фазилатлари беҳисоб. Фақат битта камчилиги — феъл-атворида бетайинлик, лафзсизлик бор! Бу ҳақда ўзига айтсангиз парво қилмайди, дарров гапни ҳазилга айлантириб, ўзига сув юқтирмайди, гуё унинг учун лафз деган тушунчанинг ўзи йўқдек...

Хўш, нима бўпти, беайб парвардигор, шунга ҳам ота гўри қозихонами дейишингиз мумкин. Тўгри, ҳар томонлама комил инсон бўлиш (ахир бу ҳазрат Навоий каби не-не буюк сиймоларнинг орзу армони эди) жуда қийин. Тўгри, нуқсонсиз дўст қидирган охир-оқибат дўстсиз қолиши ҳам мумкин. Аммо айни чогда яқин дўстни мумкин қадар нуқсонсиз, бекаму-кўст кўриш истагидан бизни ҳеч ким маҳрум қилолмайди.

Бир бочка асални бир қошиқ қорамой булгайди. Йилт этган инсоний фазилатдан маҳрум бўлган кимсалар учун бетайинлик, лафзсизлик тилга олишга арзимайдиган нуқсондек туюлиши мумкин. Аммо ўзи табиатан хушфеъл, яхши инсон бўлган одамнинг бетайинлиги багоят ачинарлидир. Бу қусур гоҳо бошқа фазилатлар устига қалин парда тортиб қўяди. Яқинда худди шундай воқеа содир бўлди. Самарқандлик таниш аспирант мақолаларини матбуотда чоп эттиришга ёрдам беришни илтимос қилди. Суҳбатда ўша шоир дўстим ҳам бор эди. Ҳамма таҳририятларда таниш-билишлари бисёр эканлигини айтиб, ўз ихтиёри билан битта мақолани олиб қолди. Орадан бир йил ўтди. Мен ўзим олиб қолган мақолани чоп эттирдим. Атай узоқдан мақолаларининг тақдирини билиш учун келган аспирант уни ўқиб, кўп хурсанд бўлди. Сўнг у шоирда қолган иккинчи мақоласини сўради. Уч-тўрт кун олдин шоирга бу ҳақда гапирганимни, аммо у негадир тайинлироқ бир жавоб қилмаганини эсладиму андак хижолат бўлдим.

Эртаси куни шоирдан бу ҳақда дангал сўрадим. Маълум бўлишича, у мақолани ҳеч қаерга топширмаган экан. Энсам қотганини сезиб, эрта-индин мақолани "Ёшлик" журналига топшириб қўяжагини айтди. Ёлгончи, лафзсиз дўстимга яна ишондим. Бекор қилган эканман. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, мақолани сўраганимдан кейингина уни ўзимга қайтариб (ажабо, сўрамасам яна бир йил олиб юрармиди...) берди. Назаримда, қиёфасида айтгулик бирон-бир хижолатпазлик, ноқулайлик аломатларини сезмадим. Шу тобда у кўзимга қандай алпозда кўринганини айтиб ўтирмай... Фойдасиз бўлса-да, юзига андак нордон гаплардан айтдим...

Бир қарашда бу тафсилотлар кимгадир майда, икир-чикирлардек туюлар. Аммо биз ҳар куни, ҳар соатда кундалик икир-чикирлар ичра яшаймиз ва ким эканлигимиз ҳам худди ана шу мулоқотларда намоён бўлади-ку! Ахир яқин одамларингдан бири шундай инсон бўлса, унда яшашнинг ҳам унчалик қизиги қолмайди-ку!

Шоир дўстимдан огзи куйган битта мен эмас эдим. У яқинда яна бир таниқли қаламкаш ҳамкасбини чув тушурганди. Ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйида "ҳаддидан ошиб кетаётган" шоирни ўртага олиб, изза қила бошлади. Кимдир уни "Бетайинлик тимсоли" деди. Шоир эса сўзамоллигини ишга солиб, яна гурунгни ҳазилга айлантирмоқчи бўлди. Аммо негадир бу гал унинг қочирмаларига ҳеч ким кулмади. Боечиш андак мунгайиб қолгандек туюлди. Шу лаҳза унга чин юракдан ачиндим...

Ажабо, хом сут эмган бандаланинг табиати қизиқ экан-да... Илмига ўзи амал қилмайди. Ваҳоланки, шоир дўстим "Олимнинг бузилиши — (умуман, илму маърифатли одамлар назарда тутилмоқда — Ш. О.) оламнинг бузилиши" деган ҳикматнинг маъносини яхши билади. "Мунофиқлик белгиси учтадир: ёлгон сўзлаш, ваъдасининг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилиш", "Имонли одам ваъдага вафодор бўлади" каби муқаддас ҳадислардан яхши хабардор. Билади, хабардор, аммо... У Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романидаги Юсуфбек ҳожининг: "Бизнинг оиладан лафзсизлик чиқиши менга маъқул кўринмайди"— деган сўзларини такрор-такрор ўқиган. Ўқиган, аммо...

Дўстимдан ҳафсалам пир бўлиб юрганини сезган танишлардан бири шундай далда берди: "Э, шунга ҳам хафа бўлиб юрибсизми? Ахир у шоир-ку! Ўзингиз "Дўрмон ҳангомалари"да ёзгансиз-ку!.."

Дарвоқе, шундай бир ҳангома ёзган эдим.

Таниқли журналист ва ажойиб инсон, "Совет Ўзбекистони" (ҳозирги "Ўзбекистон овози") газетасининг муҳаррир ўринбосари, раҳматли Холбек Ёдгоров шоирларни унчалик хушламас, уларнинг эркаликлари, масъулиятсизликларидан роса безор бўлган экан. Бир куни Маҳкам Маҳмуд Ортиқбой Абдуллаевни мақтаймақтай зўрга ишга олдирибди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Холбек ака бир оқшом уйида телевизор кўриб ўтирса, шоирлар шеър ўқишаётган экан. Ногоҳ даврада ўша ўзи яқинда ишга олган янги ходимни кўриб қолади. У энди шеър ўқий бошлаганда энсаси қотиб, телевизорни ўчириб қўяди. Эртаси куни Маҳкам акани хонасига чақиртириб, изза қилади: "Маҳкамжон, мен сизни дурустроқ бир одамни ишга таклиф қилган бўлсангиз керак деб ўйловдим, ахир у шоир эканку!.."

Шу тарзда ҳар қандай жиддий гапни ҳазилга буриб юбориш, шоир бўлгани учун дўстимнинг "гуноҳ"ларидан кўз юмиш мумкиндек туюлиши ҳам мумкин. Аммо одамийлик мезонлари ҳамма учун бир хил. Ҳазрат Навоий лутф қилганларидек, бу ёруг дунёга келиб гуноҳлардан форит бўлмай кетиш ҳаммомга кириб, ювинмай чиқиш билан баробардир.

Дўстим бу мақолани ўқигач, шубҳасиз, ўзини "танийди". Уни багри кенг инсон дедим. Адолат туйгуси ҳам унга бегона эмас. Шундай бўлса-да, барибир хом сут эмган банда — мендан хафа бўлиши мумкин...

Мен бу ўринда "Дўстим азиз, ҳақиқат ундан азиз" мақолига амал қилдим. Дарҳақиқат, дўст дўстга тўгри гапни айтмаса, вақти соати етганда бир-бирига кўзгу бўлмаса, бундай дўстликдан маъно борми?

Хўш, Сиз бунга нима дейсиз?..

**Шодмон ОТАБЕК**

• АЖАБ ДУНЁ

## ТЎСИҚЛАР ПИСАНД ЭМАС ЭДИ

Сталин машҳур сеҳргар Вольф Мессингнинг гаройиб қобилиятини синаб кўриш учун махсус топшириқ беради. Режага кўра, Мессинг оддий бир мижоз сифатида Москвадаги банклардан бирига кириб, оддий қогозни худди чек каби узатиши ва шу асnода унга фикран таъсир ўтказиб, 100 минг рублни қуртдай санаб олиши лозим эди. Бу вазифа ҳамирдан қил сугургандай уддаланди. Мессингнинг айтишича, тажриба Сталинни қаноатлантирмаган. Халқлар доҳийси янада қийинроқ юмушни буюради. Бу Сталиннинг Москва атрофидаги жиддий қўриқланадиган далаҳовлиси билан боглиқ синов эди. Мўлжалга кўра, агар Мессинг ростдан ҳам "одамзод ақлу шуурини агдар-тўнтар қилиб юбориш" қудратига эга бўлса, ҳар қандай соқчиларнинг кўзини шамгалат қилиши мумкин.

Орадан бир неча кун ўтгач, сталда ишлаб ўтирган Сталин бошини кўтариб, эшикдан кириб келаётган Мессингни кўради. У қўриқчиларни Совет махсус хизмати бошлиги эканлигига ишонтиролган эди. Шундан кейин Сталин синовларни тўхтатади.

## ҚЎША ҚАРИШДИ

Озарбайжонлик Илёс ва Хотим Жафаровларнинг умргузаронлиги бир асрдан зиёдроқ давом этган. Эр-хотинлар бу қутлуг санани нишонлашганда Илёс 119, Хотим эса 115 ёшда эди.

## ҲЕЧДАН КЎРА КЕЧ ЯХШИ

1707 йилнинг декабрь ойи Лейпцигда юз ёшли чол 80 ёшли кампирга уйланди. Гап шундаки, бу киши аёлга 15 ёшли қизалоқлигида уйланаман деб ваъда бериб, алдаб келар экан. Аёл 65 йил муттасил судма-суд қатнаб, саркаш севгилисини ахийри уйланишга мажбур қилади.



Бахтли болалик.

## ТЕША ТЕГМАГАН ГАПЛАР

У бутун куч-гайратини хизмат кўрсатган артист эканлигини исботлаш учун сарфлади. Исботлади ҳам. Энди эса, куч-қувватдан қолсада, халқ артисти эканлигини исботлаш пайида.

***

Бир чол умрни беҳисоб узайтирадиган малҳам сотиб олди. Кейин уни қатариб олиб келди. Фикри ўзгарди.

***

Наркоз бўлса, оч қорин билан ётса ҳам бўлаверади, аммо ҳаммага наркоз етказиб бўладими?

***

Ҳамма мендек эмас экан, нега энди мен ҳаммадек бўлишим керак?

***

Ҳар ойда ойлик олишинг эмас, ҳар куни қанча сарфлашинг муҳим.

***

Аёлларнинг қўйнида тош яшириши осон.

***

Кўп нарса билсанг каришга улгурмайсан.

***

Менга тега қол, бошингга урасанми бунақа хунук фамилияни?!

***

Агар ҳозироқ менга тегина бошламас экансиз, бақираман!

## ЛАТИФАЛАР

*— Отажон, нега бу фильмни болалар кўриши мумкин эмас?*

*— Жим ўтир, ҳозир ўзинг кўрасан.*

***

*— Айтинг-чи, официант, нонуштага қандай овқат бор?*

*— Арпа ёрмаси, жаноб.*

*— Тушликка-чи?*

*— Арпа ёрмаси.*

*— Кечки овқатга-чи?*

*— Котлет.*

*— О, қандай яхши.*

*— Арпа ёрмасидан тайёрланган котлет.*

***

*Шаҳар истироҳат богида иккита ҳамшиша улфатчилик қилишарди. Улар ёнларига қўнган учар "ликопча"ни пайқамай қолишди. Гуманоидлардан бири "ликобча"дан чиқиб, даврага яқинлашди:*

*— Салом!*

*— Унга озроқ қуйиб бер,— деди бурни қип-қизил киши шеригига. Учовлон уриштириб ичишди. Гуманоид шундай хитоб қилди.*

*— Салом! Мен бошқа сайёрадан келдим. Мен ўзга сайёраликман.*

*— Унга бошқа қуйма!— деди бурни қип-қизил киши.*

***

*Қишда балиқчилар муз тешиб, балиқ овлашарди. Бир балиқчи телпаксиз қармоқ ташлаб ўтирганди.*

*— Нега телпаксиз ўтирибсан?*

*— Кеча юз грамм таклиф қилишувди, эшитмай қолибман...*

***

*Маст киши симёғочга калласи билан урилди: "Салом!" Иккинчи марта урилди: "Алайкум ассалом!". Учинчи мартасида ўзича шундай деди:*

*— Ҳе, қуриб кетсин! Яхшиси намойиш тугагунча кутиб ўтираман.*


МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

•

Бош муҳаррир :
Шодмон ОТАБЕК
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Мирпўлат МИРЗО
Рустам СОБИТ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Тоҳир РАҲИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ
ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
Билол АМИНОВ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳрух АКБАРОВ
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлкин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тогай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 32-36-42, 32-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

•

Муҳаррирриятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0129 . 12697 нусхада чоп этилди

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

